

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ – инсоннинг маънавий хус-ят ва хислатлари, жамиятнинг мад-й даражасини акс эттирувчи т. Жамият ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёни, шахснинг хатти-ҳаракатлари ва қиёфасида маъ-ят тамойиллари қанчалик чуқур сингиб кетганлигини намоён этувчи атама. М.м. «моддий мад-т» т.сидан фарқ қилади, аммо у билан боғлиқ ва ўзаро алоқада намоён бўлади. Агар маъ-ят т.си барча маънавий нарсалар ва хус-ятларни – инсониятнинг ижодий, илмий, фал-й, ҳуқуқий, бадиий, диний, ахлоқий ва ш.к. тасаввурлари, т.лари мажмуини англатса, М.м. ана шу т., билим ва тажрибаларнинг кундалик ҳаётда қўлланишини англатади. Турли омиллар: ҳаётий тажриба, тарбия, ахлоқий маърифат, санъат, адабиёт ва ҳ.к.нинг таъсири натижасида шахс муайян даражада ўз онги, хулқ-атворида жамиятдаги М.м.ни мужассамлаштиради. Бинобарин, шахс хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган М.м.ни ўта мураккаб тузилган дастурга ўхшатиш мумкин, яъни инсон турли вазиятларда ўзини маънавий жиҳатдан қандай тутиши кераклиги борасида кўмаклашувчи тажрибаларни сингдиради. Ш-дек, М.м. инсон онгининг бетиним ижод қилиб турувчи жиҳатлари – ечими мураккаб бўлган қийин вазиятларда муайян бир қарор қабул қилишга ёрдам берадиган маънавий тафаккур, ҳис-туйғу каби омилларга ҳам суянади. М.м. кишининг ҳаракатлари, воқеликни баҳолай олиш салоҳияти, ахлоқий билим ва тажрибалари, улардан фойдалана билиш қобилияти, яхши-ёмон, ижобий-салбий вазиятларни фарқлаш ва ҳ.к. омиллар билан ҳам боғлиқ. Ҳар қандай шароитда маън-й-ахлоқий меъёрларга содиқ қолиш ўзгалар ташвишига шерик бўлиш, ахлоққа доир тажрибаларни амалда қўллай олиш, шахслараро мулоқотда ижобий фазилатларни намоён эта олиш ҳам М.м. даражасини кўрсатиши мумкин. Зеро, ҳар қандай мураккаб вазиятда инсон номига гард юқтирмайдиган хатти-ҳаракатлар қилган шахснигина ахлоқан етук, маъ-яти бой инсон дея оламиз. Масаланинг бошқа томони — моддий ва М.м.нинг ўзаро алоқаси, бир-бирини тақозо қилиши билан боғлиқдир. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва б. мад-т ўчоқлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий шарт-шароитини яхшилаш ҳамда фаолиятини такомиллаштириш ҳам бу борада ижобий натижалар беради. Афсуски, собиқ иттифокда мад-тга нотўғри муносабат да бўлинди, унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди, натижада халқимиз бу масалада орқада қолиб кетди. Истиқлол давридаги ислохотлар ва барча режаларда мад-т, маърифат, тарбия ва спортни ривожлантириш, бу соҳаларда хизмат қилаётган кадрлар, яъни ўқитувчилар ва шифокорлар, мад-ий-маън-ий муассасалар ва б. соҳаларда меҳнат қилаётган кўплаб мутахассисларни чинакам зиёлилар сифатида тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, маънавий бойликларни яратадиган кишиларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг самарали фаолияти учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш энг устувор йўналишлардан бирига айланди. Ўсиб келаётган авлодга, унинг мад-ий- маънавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласига эътибор кучайиб бормокда.